

**ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА**

Ўрмонов Рустамжон Таввакалжон ўғли

*Ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича мустақил тадқиқотчи,
электрон почта манзили: urmonovrustamjon84@gmail.com*

Аннотация

Ушбу мақолада электрон тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликлар ва уларга қарши курашнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу йўналишдаги жиноятларнинг амалга оширилиш механизми ҳамда кўп учрайдиган шакллари тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: онлайн-банкнинг, тўлов тизимлари, масофавий банк хизматлари, электрон тўлов тизимлари, кибермакон, ҳуқуқий квалификация, кибержиноятчи.

**О НАРУШЕНИЯХ В ЭЛЕКТРОННЫХ ПЛАТЕЖНЫХ СИСТЕМАХ
И ОСОБЕННОСТЯХ БОРЬБЫ С НИМИ**

Аннотация

В данной статье анализируются нарушения в электронных платежных системах и конкретные аспекты борьбы с ними. Также представлена информация о механизме исполнения преступлений данного направления и наиболее распространенных формах.

Ключевые слова: онлайн-банкнинг, платежные системы, дистанционные банковские услуги, электронные платежные системы, киберпространство, юридическая квалификация, киберпреступник.

**REGARDING VIOLATIONS IN ELECTRONIC PAYMENT SYSTEMS
AND SPECIFIC ASPECTS OF COMBATING THEM**

Abstract

This article analyzes violations in electronic payment systems and specific aspects of combating them. Also, information is provided on the mechanism of execution of crimes in this direction and the most common forms.

Keywords: online banking, payment systems, remote banking services, electronic payment systems, cyberspace, legal qualification, cybercriminal.

Сўнгги вақтларда глобал миқёсда бўлганидек, Ўзбекистон Республикасида ҳам рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашувини кузатиш мумкин. Жамиятнинг барча соҳаларида ахборот коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланилиши аҳолининг интернет хизматларидан фойдаланиш кўникмалари интенсив шаклланишига олиб келмоқда. Хусусан, банк хизматларининг рақамлашуви ҳамда онлайн-банкнинг, тўлов тизимлари, айниқса мобил иловалардан фойдаланган ҳолда банк ҳисоб рақамларини бошқариш каби тушунчаларнинг оммалашуви ушбу йўналишнинг бутунлай бошқача қиёфаси шаклланишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикасида банк тизимини рақамли трансформациялаш жараёнлари 2020 йилнинг 12 майида қабул қилинган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги 5992-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони¹ асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2023 йил якунлари бўйича ҳисобот материалларида маълум қилишича, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 46 миллиондан ортиқ банк пластик карталари мавжуд ҳамда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи субъектлар сони 44 миллиондан ошган².

Масофавий банк хизматлари фойдаланувчилари сонининг ортиши ҳамда сўнгги 6 йилда бў кўрсаткич сезиларли даражага етгани ушбу йўналишнинг ривожланиши банк миқозлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатади³.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланишда банклар бўйича тақсимот натижалари давлатга тегишли банклар билан бир қаторда хусусий банкларнинг ҳам ҳиссаси сезиларли эканлигини кўрсатмоқда (2-иловада батафсил келтирилган).

Ўзбекистонда электрон тўлов тизимлари имкониятларидан фойдаланиш ҳолатини юқоридаги маълумотлар асосида тасаввур қилинса, ушбу тизим элементлари сони тобора ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида тизимнинг нормал фаолияти имкониятларидан ноқонуний мақсадларда ҳам фойдаланиш эҳтимолини инкор этмайди. Яъни, масофавий банк хизматлари ёки электрон тўлов тизимлари барча фойдаланувчиларига (шу

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. url:<https://www.lex.uz/ru/docs/4811025>

² Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки статистик бюллетени. 2024 йил, 9 февраль. url:<https://cbu.uz/upload/medialibrary/5c4/iaelrlqezul62kxg0yjobrsu0h7g3g2t/MB-Statistik-byulleteni--2023-yil.pdf>

³ А.Д.Исаев. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. Молия тизимини рақамли технологиялар ёрдамида трансформация қилиш: муаммолар ва ечимлар мавзусида халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. 56-60 бет. 2023 йил 28 ноябрь. Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари: муаммо ва ечимлари. url:[https://bfa.uz/files/Konferensiyalar/inter_konference_28.11.2023%20\(2\).pdf](https://bfa.uz/files/Konferensiyalar/inter_konference_28.11.2023%20(2).pdf)

жумладан, жинойтчиларга ҳам) қулайлик ҳамда тезкорликни таъминлаб беради.

Шу ўринда кибермаконда, тўғрироғи кибермаконнинг рақамли пул ўтказмалари сегментида юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни ўрганиш ҳамда уларга қарши чора-тадбирлар тизимини шакллантириш зарурати туғилади. Хусусан, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг расмий Telegram каналида маълумот берилишича, сўнгги йилларда Ички ишлар органларига банк пластик карталаридаги маблағлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича мурожаатлар сони ортиб, 2023 йилнинг дастлабки 9 ойида бу турдаги аризалар сони 8734 тага етган.

Бундан ташқари ўтган йил давомида карталардан ноқонуний ўзлаштирилган маблағлар миқдори 286 миллиард сўмдан ошган. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 6 миллиард сўмни, 2022 йилда эса 80 миллиард сўмни ташкил қилган.

Молиявий маблағларнинг жабрланувчилар фойдасига ундирилиши бўйича ҳам салбий тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, ноқонуний йўл билан қўлга киритилган маблағларнинг 2021 йилда 33,3 фоизи, 2022 йилда 11,25 фоизи ҳамда 2023 йилнинг дастлабки 9 ойида 4,18 фоизи ундирилишига эришилган⁴.

Барча даврларда бирор ҳуқуқбузарлик турининг пайдо бўлиши замонавий касблар ёки соҳаларнинг, умумий қилиб айтганда янги ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган. Ҳуқуқшунослар нуқтаи назаридан янги турдаги жинойтларнинг талқин қилиниши ҳамда уларни тартибга солувчи нормалар ишлаб чиқилганидан сўнг эса ҳуқуқий квалификациясига алоҳида эътибор қаратилади. Шу жумладан, электрон тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳам жинойтнинг талқини ҳамда ўзига хос жиҳатлари бўйича етарлича фикрлар шаклланганлигини кузатиш мумкин.

Умуман олганда, тадқиқот доирасида ушбу турдаги жинойтларнинг атама сифатида талқин қилинишига чуқур эътибор қаратилмаган ҳолда электрон тўлов тизимларидаги жинойтларнинг ўзига хос жиҳатлари уларнинг ҳуқуқий квалификацияланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексига мувофиқ, ушбу йўналишда содир этиладиган жинойтлар иқтисодиёт соҳасидаги жинойтлар гуруҳига киради ва ўзгалар мулкани талон-торож қилишнинг икки хил кўринишида яъни ўғрилик ёки фирибгарлик сифатида квалификация қилинади.

Фирибгарлик – **ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб**, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш жинойти сифатида Жинойт кодексининг **168-моддаси 3-қисми “г”** бандига асосан квалификация қилинади.

⁴ Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг расмий Telegram канали. “Toshkent shahar IIВВ Axborot texnologiyalari sohasida jinoyatchilikka qarshi kurashish boshqarmasi faoliyati haqida” номли видеоматериал. 2023 йил 17 ноябрь. url:<https://t.me/iibbuz/29126>

Ўғрилиқ – қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жинояти сифатида Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан квалификация қилинади.

Умумий маънода электрон тўлов тизимларидаги жиноятлар махсус усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, трансчегаравийлиги, техник воситалардан кенг фойдаланилганлиги, жиноятчининг (ёки уюшган жиноий гуруҳнинг) яширинлиги имконияти юқорилиги каби хусусиятларга эгаллиги билан бошқа турдаги жиноятлардан фарқ қилади. Тадқиқот доирасида асосий эътибор ушбу жиноятларнинг фош этилиши жараёнига қаратилганлиги боис, ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиқиб, юқоридаги жиноятларнинг содир этилиш жараёнини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин: тайёргарлик босқичи, жиноятни содир этиш босқичи ва яширинлиги босқичи.

Биринчи босқичда жиноятчи ёки уюшган жиноий гуруҳ томонидан ноқонуний фаолиятни амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади. Бу босқич асосан тизимлар ва шахслар тўғрисида ахборот йиғиш, ҳаракатларни амалга ошириш усуллари ва воситаларини танлаш каби жараёнларни ўз ичига олади. Ушбу босқичда жиноятчилар томонидан ахборот ресурсларига ҳужумлар уюштирилади ёки шахсга доир маълумотлар ва банк сирига оид материалларга эга бўлишнинг турли усулларидан фойдаланилади. Биринчи босқични шартли равишда “ахборот ресурсларига эга бўлиш”, деб тавсифлаш мумкин.

Иккинчи босқичда жиноятчилар томонидан молиявий ресурсларга эга бўлиш учун тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳаракатлар амалга оширилади. Ушбу жараёнлар жиноятчилар томонидан банк мижозларининг ҳисоб рақамларини бошқаришга рухсат олиниши ёки улардаги маблағларни ўзлаштириш имкониятининг қўлга киритилиши билан яқунланади. Ушбу босқични шартли равишда “молиявий ресурсларни қўлга киритиш”, деб номлаш мумкин.

Учинчи босқичда ноқонуний ҳаракатлар муваффақиятли амалга оширилгач, жиноят изларини яшириш ишлари қилинади. Айнан мана шу босқичнинг қай даражада пухта амалга оширилиши ушбу жиноятнинг фош этилиши ҳамда ноқонуний йўл билан қўлга киритилган маблағларнинг қайтарилиши имкониятларига таъсир этади. Бундан ташқари жиноятчилар ушбу босқични мукамал ташкиллаш орқали бир томондан қўлга тушмасликларини таъминласа, иккинчи томондан ноқонуний фаолиятнинг барқарорлиги ва давомийлигига эришади.

Шунингдек, махсус дастурий воситалардан (яъни вируслардан) фойдаланиб амалга ошириладиган жиноятларда ҳам юқоридаги учта босқич дастурининг

ишлаш алгоритмида акс этади.

Ҳозирги кунда ушбу жиноят турларини квалификациялаш билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжуд эмас. Ҳар иккала йўналишда ҳуқуқшунослар томонидан тадқиқотлар олиб борилиб, қонунчилик такомиллаштирилмоқда.

Банк карталари билан боғлиқ жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш учун анъанавий жиноят-процессуал ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу ёндашувга кўра⁵, жиноят таркибининг элементлари: жиноятнинг объекти, жиноятнинг субъекти, жиноятнинг объектив томони ва жиноятнинг субъектив томонига кўра юқоридаги жиноятларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш мумкин.

Фирибгарлик ва ўғрилик жиноятлари “Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш” кўринишидаги жиноятлар сафида бўлганлиги сабабли, умумий маънода “ўзгалар мулки”ни унинг **объекти** сифатида белгилаш мумкин. Хусусий жиҳатдан эса тадқиқот доирасидаги жиноятлар квалификациясига кўра, фуқаролар ёки банк мижозларининг банк ҳисоб рақамларидаги маблағлари жиноят объекти сифатида тавсифланади. Яъни жиний тажовуз ўзгаларнинг банк ҳисоб рақамларидаги маблағларига нисбатан амалга оширилади ҳамда банклар ва мижозлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, фирибгарлик бўйича жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар, ўғрилик бўйича эса жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар жиноят **субъекти** ҳисобланади.

Тадқиқот доирасида ўрганилаётган юқоридаги жиноят турлари объектив томони бўйича ҳам ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Хусусан, ушбу жиноятларнинг ўзига хос ижтимоий-хавфли қилмиш эканлиги, ўзига хос ижтимоий-хавфли оқибатни келтириб чиқариши ҳамда улар ўртасидаги ўзаро сабабий боғланишнинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Ўзига хос ижтимоий-хавфли қилмишнинг тавсифланишида жиноят содир этилган жой, вақт, усули, вазият ва қўлланилган воситалар каби факультатив белгилар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, электрон тўлов тизимларидаги ҳуқуқбузарликларнинг интернет тармоғи орқали бирлаштирилган ахборот тизимларида ахборот технологиялар имкониятларидан фойдаланиб амалга оширилиши, шунингдек жиноят изларини яширишда ҳам замонавий технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланилиши ушбу жиноятлар учун хос бўлган жиҳат ҳисобланади.

Бундан ташқари жиноят таркибига кирувчи жиноят предмети, жиноят

⁵ М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм - Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. - 696 б.

воситаси, жинойт қуроли, усули каби элементлар бўйича ҳам ушбу жинойтларнинг ўзига хос жиҳатларини тавсифлаш мумкин. Хусусан, жинойтни содир этиш усуллари ҳозирги кунда турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Ушбу усулларнинг асосийларини кўриб чиқамиз:

Фишинг. Банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик жинойтини содир этиш усулларида бири бу “фишинг” яъни “балиқ ови” усулидир. Бунда ахборот технологиялари бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга фирибгарлар томонидан фойдаланувчининг ишончига кириб, банк картасига доир махфий маълумотлар қўлга киритилади.

Ушбу жинойтни содир этиш усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, жинойтчи томонидан масофадан туриб алоқа воситалари ёхуд сохта веб-саҳифалар орқали фойдаланувчининг ижтимоий тармоғидаги аккаунти, электрон почтаси ёки уяли алоқа воситалари билан хабар алмашинуви амалга оширилади. Бунда ижтимоий муҳандислик усулларида кенг фойдаланилади. Яъни ушбу усулдан фойдаланиш шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид ҳисобланади. Ноқонуний ҳаракатнинг оқибатида эса шахсга доир маълумотлар хавфсизлигига зарар етказилади. “Фишинг” усулида амалга ошириладиган ҳужумларнинг кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши мумкин: “Фишинг” билан шуғулланувчи жинойт гуруҳлар жабрланувчидан шахсий маълумотларини киритишни сўраб турли шаклда хабарнома жўнатишади. Жабрланувчи банк хизматларидан фойдаланиш учун банкнинг расмий веб-сайтига кираётганлигига ишонади. Шу тариқа, фирибгарлар томонидан яратилган тузоқларга тушади. Хусусан, сохта сайтга исм-шарифи, карта реквизитлари, пин кодини киритиш орқали ўзи билмаган ҳолда “фишинг”чилар қармоғига илинади. Сохта сайтлар яратиш бу замонавий фишинг услубларидан биридир. Бундай сохта сайтларни яратишда жинойтчилар юқори малакали мутахассисларнинг имкониятларидан фойдаланади. Шу сабабли махсус билим ва кўникмаларга эга бўлмаган фойдаланувчи бу сайтларнинг ҳақиқий эмаслигини ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Вишинг. Ҳозирги кунда энг кўп кузатилаётган фирибгарлик усулларида бири бу “вишинг” онлайн фирибгарлигидир. Фирибгарликнинг бу усулида фирибгарлар ўз “ўлжаларини” телефон орқали қўлга туширишади. “Вишинг” сўзи инглиз тилидаги “voice” – овоз ва “fishing” – балиқ ови сўзларининг жамланмасидан ҳосил бўлган. Юқоридаги фирибгарлик усулида фирибгарлар ўзини банк ходими, тўлов тизими ходими деб таништиради ёки шунга ўхшаш ҳар-хил ёлғон ва уйдирмалар орқали жабрланувчилардан уларга жўнатилган махфий СМС маълумотларини олишади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ушбу ҳолатлар кескин кўпайиб, хусусан фирибгарлар томонидан ўзини тўлов тизими ходими сифатида таништириб, фуқароларни алдаш ва ишончига кириш орқали гўёки тизимдаги айрим

камчиликларни тузатиш ҳамда тўлов билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш ниқобида жабрланувчига СМС жўнатиб, ундан СМС хабаридаги маълумотларни айтишини сўрашади. Ушбу маълумотлар айтилиши билан пул маблағлари ўғирланади ёки банк ҳисоб рақамларини бошқаришга рухсат олинади.

Юқорида келтирилган усуллардан ташқари қуйидаги шаклларда ҳам банк карталаридаги пулларни ўзлаштириш билан боғлиқ фирибгарлик схемалари ўз долзарблигини сақлаб келмоқда:⁶

- **Мерос фирибгарлиги**, яъни жабрланувчи номига чет элдаги қариндошидан катта миқдордаги мерос қолдирилгани ҳақидаги хабардан фойдаланиш;

- **Халқаро почта жўнатмалари**, яъни жабрланувчига катта миқдордаги қимматбаҳо юк юборилгани тўғрисидаги сценарийлар ўйлаб топиш;

- **Интернет-тиланчилик, шунингдек сохта хайрия жамғармалари**, яъни Интернет саҳифалар ҳамда ижтимоий тармоқларда турли хил касалликка чалинган ёхуд оғир аҳволдаги шахсларни фотосуратларини жойлаштириш орқали пул ундириш;

- **Интернет дўконлар билан боғлиқ фирибгарликлар**, яъни сифатсиз товарлар ёки махсулотлар савдоси билан ёки махсулот учун олдиндан тўлов қилиш орқали пул маблағларини қўлга киритиш.

Электрон тўлов тизимларидаги жинойтларнинг ўзига хос жиҳатларини ушбу ҳаракатларни амалга ошириш **шарт-шароитлари** (вақти, жойи ва бошқа ҳолатлар) билан ҳам тавсифлаш мумкин. Ушбу жинойтга қўл урган жинойтчилар ноқонуний ҳаракатларни содир этишда аниқ бир вақт ёки жой танламайди. Улар куннинг ҳар қандай пайтида, бирор бинода, ўз уйида, кўчада ёки автобус бекатида ҳам жинойтни содир этиши мумкин. Ҳаттоки кибержинойтларни содир этувчи уюшган жинойт гуруҳ аъзолари бир-бири билан таниш бўлмаслиги уларни бошқарувчи шахсина бундай маълумотларга эга бўлиши ҳам уларнинг махфий қолишларига шароит яратади. Бундан ташқари жинойтчилар ўз манзилини яшириш мақсадида махсус аппарат ва дастурий воситалардан (хусусан VPN технологиясидан) кенг фойдаланади. Жинойт ҳуқуқида жинойт содир этилган жой ҳодиса жойи ҳисобланади. Фирибгарликнинг ушбу шаклида ҳодиса жойини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бу ҳолат айни дамда жинойтчиларнинг юқорида айтилган махсус воситалардан фойдаланишлари билан тавсифланади. Яъни, VPN технологиясининг имкониятлари жинойтчиларнинг кибермаконда яширин ва изсиз ҳаракатланишлари учун шароит яратади. Бундан ташқари жинойтчилар қўлга

⁶А.Б.Носиров, Банк карталаридан фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарлик жинойтларининг криминалистик тавсифи. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 2-том, 6-бўлим, 2022 йил, 1445-1462 бетлар

киритилган маблағларни рақамли пуллар ёки криптовалюта кўринишига конвертация қилишлари ушбу маблағларнинг ҳам изсиз йўқолишига хизмат қилади. Яъни пул маблағларининг глобал маконда эркин ҳаракатланиши учун ишлаб чиқилган тизимларнинг хавфсизлик имкониятлари ушбу жиноятчилар ёки уюшган жиний гуруҳлар учун қўл келади.

Электрон тўлов тизимларидаги жиноятларга қарши кураш жараёнидаги яна бир муҳим жиҳат ушбу жиноятларнинг излари ҳам ўзига хос эканлигида намоён бўлади. Банк карталаридан фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарлик жинояти натижасида қолдирилган изларни ўрганиш жиноятни ўз вақтида аниқлаш ва тезкор очиш имконини беради. Жиноят излари криминалистик тавсиф элементларидан бири бўлиб, ҳосил бўлиш механизми жиноятнинг моддий ва виртуал олам билан ўзаро муносабати характеридан келиб чиқади⁷. Рақамли технологияларнинг ривожланиб бориши билан назарияда “виртуал” ёки “рақамли” излар тушунчалари илмий доира вакиллари орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Криминалистик адабиётларда “виртуал” ёки “рақамли” излар тушунчаси борасида турли хил қарашлар мавжуд. Хусусан, В.А.Агибалов, В.А.Мещеряковлар виртуал из сифатида компьютер тизими орқали рақамли моддий ташувчида қайд қилинган реал (физик) жараённи тасвирловчи ёки ушбу жараённинг рақамли шаклдаги расмий (математик) моделини назарда тутди. Бошқача қилиб айтганда, жиноят билан боғлиқ бўлган компьютер тизимининг ҳаракатлари натижаси ҳисобланади⁸. В.А. Мещеряков изларнинг учинчи гуруҳи сифатида виртуал изларни киритиш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, виртуал излар бинар кўринишда намоён бўлиб, фақатгина дастурий воситаларни ишлатувчи қурилмалар ҳамда ахборотни ўзига қабул қилишга яроқли бўлган рақамли қурилмаларда қолади⁹. Интернет орқали содир этиладиган жиноятларда анонимликни сақлаш принципиал аҳамиятга эга. Шунга қарамай, ушбу жиноятларнинг деярли барчасида техник тавсифдаги излар мавжуд. О.Й.Веденская рақамли излар рўйхатига IP-манзиллар, рўйхатдан ўтган домен номлари, фойдаланувчиларнинг аккаунт маълумотлари, лог-файллар, cookie файллари, ташриф буюрилган сайтларнинг кеш файл маълумотлари (вақтинчалик файллар) ва браузер тарихи, DNS-серверлар билан боғлиқ излар, ҳостинг-провайдерлардаги излар, реклама веб-саҳифалари излари, жабрланувчи рақамли қурилмасида сақланиб қолган ёзишмалар, қабул қилинган буюртмалар излари, мобил қурилма уникал рақами (IMEI), SIM карта

⁷ В.А.Мещеряков, Преступления в сфере компьютерной информации: правовой и криминалистический анализ. Воронеж, Воронежский Государственный Университет, 2001. С 320.

⁸ В.А.Агибалов, Мещеряков В.А. Природа и сущность виртуальных следов, «Воронежские криминалистические чтения», Выпуск 12, Воронеж, 2010. С 17-19.

⁹ В.А.Мещеряков, Преступления в сфере компьютерной информации: основы теории практики расследования. – Воронеж, 2002.

маълумотлари, банк карта ҳисоб рақамлари, ҳисоб рақамлардаги пул тушуми ва чиқими билан боғлиқ изларни киритган¹⁰.

Юқорида келтирилган излар серверларда, тармоқ қурилмаларида, жиноят содир этган шахс ва жабрланувчиларнинг компьютерлари ёхуд бошқа техник қурилмаларида сақланиб қолади. Ушбу изларни тиклашда экспертлар махсус дастурлардан фойдаланиши мумкин. Аммо, тезкор-қидирув тадбирларида ва тергов ҳаракатларида ҳар доим ҳам кўзланган мақсадга эришилмайди. Бунинг сабаби, жиноятчилар кўп ҳолларда рақамли изларни ўчириб юборувчи дастурлардан, бошқа шахсларнинг номига олинган рақамлардан, жиноятга алоқаси бўлмаган шахсларнинг ҳисоб рақамларидан ёхуд электрон ҳамёнлардан фойдаланади. Шу орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни чалғитишга уринишади. Шу сабабли ушбу йўналишдаги жиноятларга қарши курашда тезкор-қидирув тадбирларини самарали амалга ошириш масаласига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир¹¹.

Кибержиноятчилар томонидан юқоридаги барча изларни йўқотиш ёки чалғитиш орқали уларнинг аноним қолишлари таъминланади. Яъни, ушбу йўналишдаги жиноятларни фош этишда рақамли изларни таҳлил қилиш яхши самара беради, лекин изларнинг чалкаштирилиши вазиятнинг номаълум тус олишига сабаб бўлади.

Юқорида санаб ўтилган барча хусусиятлар жиноятчиларга дунёнинг исталган ҳудудидан туриб бошқа ҳудудлардаги жиноятчилар билан уюшган жиний гуруҳ туза олишларига ҳамда ноқонуний ҳаракатларни амалга оширишларига имконият яратади. Шунингдек, ҳозирги кунда интернет тармоғининг ёпиқ сегментида (яъни даркнетда) кибержиноятчиларнинг барча ижтимоий роллар тақсимланган виртуал жамияти шаклланган бўлиб, ушбу макон субъекти бўлиш учун махсус билимлар талаб қилинади. Шу сабабли электрон тўлов тизимларидаги фирибгарлик ёки ўғрилиқ жиноятларини махсус билимларга эга бўлган шахслар гуруҳи томонидан содир этилаётганлигини хулоса қилиш мумкин.

Амалиёт натижаларини таҳлил қилган ҳолда бир нечта тадқиқотчилар ушбу жиноятларни содир этувчиларнинг шахсияти бўйича ҳам фикр билдирган. Хусусан, И.М. Русаков Интернет фирибгарлиги билан шуғулланувчи шахсларни иккита катта гуруҳга ажратади.

Биринчи гуруҳга ўз мансаб ваколати чегарасидан чиқиб жиноят содир этиладиган ходимлар, яъни техник персонал, хизматчилар, хавфсизликни

¹⁰ О.Ю.Введенская, Юридическая наука и правоохранительная практика. 4 (34) 2015 Особенности следообразования при совершении преступлений посредством сети интернет. С 213-214.

¹¹ К.Н.Евдокимов, Противодействие компьютерной преступности: теория, законодательство, практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. «Университет прокуратуры Российской Федерации». 2022. – С 37.

таъминловчи ходимлар, бошқарув ходимлари, ташкилий масалалар билан шуғулланувчи ходимлар. Бундан ташқари, операторлар, дастурчилар, инженерлар ва компьютер ахборотларига рухсатсиз кириши мумкин бўлган бошқа шахсларни киритган.

Иккинчи гуруҳга компьютер тизими хавфсизлиги учун жавобгар шахслар, профессионал мутахассислар ва юқори салоҳиятга эга дастурчиларни киритган. Бу турдаги фирибгарлар одатда жиноятга олдиндан пухта тайёргарлик кўриши, ўзгача фикрлаши, компьютер атамаларига боғлиқ лаҳжада гапириши билан бошқа турдаги жиноятчилардан фарқ қилади¹².

Юқорида санаб ўтилган ҳар иккала гуруҳ ушбу турдаги жиноятларни содир этишда тўғридан-тўғри иштирок этмасликлари мумкин. Бироқ, уларнинг ноқонуний ҳаракатлари орқали кибержиноятчилар ёки уюшган жиноий гуруҳлар ҳужумни амалга ошириш учун зарур маълумотлар билан таъминланиши мумкин. Яъни айнан юқорида санаб ўтилган ходимлар ахборот ресурсларидан шахсга доир ҳамда банк сирига оид маълумотларнинг сиздирилишига йўл қўйиб беришлари ёки моддий манфаатдорлик эвазига, жиноий гуруҳлар билан тил бириктирган ҳолда, уларни зарур материаллар билан таъминлашлари мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ушбу йўналишдаги жиноятларнинг ўзига хос жиҳатлари жиноятчиларнинг техник ва ахборот-психологик инструментлардан бирдек унумли фойдаланишида ҳамда уларнинг махсус билимларни эгаллаганлигида намоён бўлади. Ушбу жиноятларга қарши курашда масъул ходимларнинг кўникмаларини шакллантиришда махсус билимларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Шу сабабли, бу турдаги жиноятларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишда ҳуқуқбузарликларга турли ракурслардан баҳо бериш ҳамда маълумотларни умумлаштирган ҳолда қайта ишловчи комплекс ёндашув асосидаги механизмни шакллантириш долзарб масала ҳисобланади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. www.lex.uz сайти маълумотлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки статистик маълумотлари. www.cbu.uz сайти маълумотлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. Молия тизимини рақамли технологиялар ёрдамида трансформация қилиш: муаммолар ва ечимлар мавзусида халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами материаллари. www.bfa.uz сайти маълумотлари.
4. Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг расмий Telegram

¹² Криминалистическая характеристика личности преступника, совершившего мошенничество в сфере предоставления интернет-услуг. Вестник Краснодарского университета МВД России 2015 № 4, (30) с 207

каналлари материаллари. <https://t.me/iibbuz> Telegram каналлари маълумотлари

5. М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм - Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021.

6. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences журналининг 2-том, 6-бўлим, 2022 йил сони материаллари.

7. Криминалистическая характеристика личности преступника, совершившего мошенничество в сфере предоставления интернет-услуг. Материалы вестника Краснодарского университета МВД России 2015 № 4, (30).